XALQ DEPUTATLARI TOSHKENT VILOYATI KENGASHINING
Q A R O R I

2021 - yil 30 - avgust VI-36-23-10-0-K/21 Toshkent viloyati hokimiligi

Тошкент вилояти Янгийўл шаҳри “BIOKIMYO” AJ томонидан етказиб бериладиган иссиқлик энергияси хизматлари тарифлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунинг 13-моддаси ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 24-моддаларига асосанга асосан, **“BIOKIMYO” AJ** томонидан ишлаб чиқарилган ҳамда аҳоли шахсий хонадонларини иситиш учун реализация қилинадиган иссиқлик энергияси хизматлари тарифларини тартибга солиш мақсадида Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги қонуни *(13-модда)* ижро учун қабул қилинсин.

2. “**BIOKIMYO**” **AJ** томонидан ишлаб чиқилган *(Янгийўл шаҳридаги 24 та кўп қаватли уйлар ва юридик корхоналар)* аҳоли ва юридик ташкилотлар учун ишлаб чиқилган тарифлари иловага мувофиқ маъқуллансин.

Бунда Ўзбекистон Республикаси монополияга қарши курашиш қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг *(2021 йил 20 апрелдаги 2145/01-03-сонли)* хулосаси инобатга олинганлиги кўрсатиб ўтилсин.

3. Вилоят ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси бошлиғи (Эралиева), “Тошкент ҳақиқати” ва “Ташкентская правда” газеталари бош муҳаррири (Шералиев)га етказиб бериладиган иссиқлик энергияси хизматларининг янги тарифлари ўрнатилган тартиб асосида эълон қилингандан кундан бошлаб қўлланилиши юзасидан оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилиши тавсия этилсин.

4. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгаши маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси М.Болтабоев, саноат, транспорт, қурилиш, коммунал масалалари ва аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича доимий комиссияси раиси М.Ахмадалиев ва вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Ш.Хакимов ва Б.Милиевлар зиммасига юклансин.

5. Мазкур қарор расман эъон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Кенгаш раиси **Д. Хидоятов**

Халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашининг
2021 йил 30 августдаги
VI-36-23-10-0-K/21-сон қарорига
1-илова

"BIOKIMYO" АЖ Технологик буғ нархи, ахоли учун марказий иссиқлик етказиш стансияси учун амалдаги ва таклиф этилаётган нархлари (тарифлар)

№	Хизмат тури	Амалдаги нарх (тариф) (сўм)	Амалдаги нарх (тариф) (сўм) (ҚҚС билан)	Таклиф этилаётган нарх (тариф) (сўм)	Таклиф этилаётгна нарх (тариф) (сўм) (ҚҚС билан)
"BIOKIMYO" АЖ					
Технологик буғ нархи					
1	**1 Гкал**	88306,43	101552,40	109000	125350,00
Ахоли учун марказий иссиқлик етказиш станцияси					
4	**1 м2 яшаш жойи**	936,00	936,00	1029,00	1029,00